Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 78 (5. 969) • 1986 йил 4 апрель, жума • Баҳоси 3 тийин.



## КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

**19 апрель — Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик куни**

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»НИНГ ЎЗ МУХБИРЛАРИ ВА ЖАМОАТЧИ МУАЛЛИФЛАРИМИЗ ЁЗАДИЛАР

## Буюртмачилар мамнун бўлади

Маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли 46-ателье коллективининг 19 апрель куни бажариладиган ишлар планида буюртмачиларга юксак маданиятли хизмат кўрсатиш, берилган буюртмаларни тез ва сифатли бажариш сингари тадбирлар алоҳида ўрин тутади. Ателье хизматчилари замонавий моделдаги либосларни тайёрлаш бўйича кўпчиликнинг ҳурматини қозониб келишмоқда. Шанбалик куни пландан ташқари 100 га яқин ана шундай либос тайёрланади.

А. Дунаев бошлиқ эркаклар устки кийими тикишга ихтисослашган бригада коллективи ҳам меҳнат байрами куни алоҳида ибрат кўрсатди. II, III-даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери А. Дунаевнинг ўзи ўша куни планга қўшимча равишда ўнта буюртмачига хизмат кўрсатади. Ф. Акромова, М. Абелкаримова, В. Свяжина, Л. Азимова сингари маҳоратли тикувчилар ҳам ҳар кунгидан икки баравар кўп иш бажаришга аҳд қилишган. Ателье хизматчиларидан тузилган яна бир бригада эса территорияда ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишларини бажаради.

## Тайёргарлик қизғин

Шаҳримиздаги барча коллективлар қатори 2-автобус парки ҳайдовчилари ҳам «Қизил шанбалик» куни юксак унумдорлик билан меҳнат қилишга бел боғлашган. Ўша куни шаҳар маршрутларига планга қўшимча равишда 30 та машина чиқарилади. Ушбу автобуслар салкам 50 минг йўловчини манзилига элтиб қўяди. Меҳнат байрами куни ишлаб топилган 2,7 минг сўмлик маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.

Айни пайтда корхонада меҳнат байрамига тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Коллектив ҳайдовчилари йилнинг илк квартали планини муддатидан илгари 28 мартдаёқ бажариб, пландан ташқари 29 минг сўмликдан зиёд даромад олдилар. Социалистик мусобақада автопаркнинг 1, 12, 171-маршрутлари ҳайдовчилари пешқадамлик қилишяпти.

### Тўқимачиларнинг марралари

Донгдор тўқимачилардан Д. Қулматова, К. Ёқуббоева, Е. Губина коммунистик шанбалик кунида бир сменада икки норма ишлаб беришга қарор қилдилар. Тошкент тўқимачилик комбинатининг кўпгина коллективлари уларга эргашиб, план-топшириқларини 10—20 процент ошириб бажариш мажбуриятини олдилар.

Иш аъло сифатли қилиб бажарилади.

19 апрелда корхона меҳнаткашлари 950 минг метр газлама, 50 тонна калава, 400 минг метр хомсурп тайёрлашни мўлжаллаб қўйди. Ишлаб топилган маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.

## Таниқли ёзувчи шарафига

КЕЧА

**Ўзбекистон ССР Халқ ёзувчиси Михаил Иванович Шевердин узоқ йиллар яшаган ва ижод қилган уйда хотира тахтасини тантанали очиш маросими бўлди.**

Ана шу воқеага бағишланган митингда республика Ёзувчилар союзи правлениеси раисининг биринчи ўринбосари Е. Е. Березиков нутқ сўзлади.

Ўзбек совет адабиётининг тараққиётига катта ҳисса қўшган халқчил ёзувчининг номи биргина республикамизда эмас, балки қардош ўлкаларда ҳам машҳурдир. Адибнинг қатор романлари ва повестлари китобхонлар муҳаббатини қозонган.

Митингда шунингдек Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим, адиблардан Константин Волков, Зоя Туманова адибнинг ёрқин хотираси ҳақида гапирдилар.

## Қардош халқларнинг ягона оиласида

Қардош республикалар халқларининг миллий тажрибаси, бу тажрибанинг совет жамияти маънавий турмуш муҳитини бойитишдаги, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришдаги роли — Тошкентда ўтказилаётган Бутуниттифоқ илмий конференциясининг бош мавзуидир. Докладларда ва ахборотларда бутун жамиятнинг идеологик турмушини активлаштириш учун ҳар бир миллатнинг маънавий потенциали имкониятлари очиб берилмоқда.

Конференция қатнашчилари жамиятшунос олимлар, миллий муносабат соҳасидаги мутахассислар ҳал этиши лозим бўлган кўпгина проблемаларни муҳокама қилмоқдалар. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг, автоном областлар ва округларнинг ошиб бораётган иқтисодий ва маънавий потенциалига мувофиқ мамлакатнинг яхлит халқ хўжалиги комплексини ҳар томонлама ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги босқичда мамлакатнинг умумий тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиш имконини берадиган хўжалик ва маданий ривожланишнинг ўзига хос хусусияти ҳар бир республика учун катта аҳамиятга эга эканлиги нутқларда таъкидлаб ўтилмоқда.

4 апрель куни конференция секцияларининг мажлисларида КПССнинг миллий муносабатларни такомиллаштириш соҳасидаги фаолияти асосий йўналишлари, социалистик турмуш тарзини такомиллаштиришнинг таркибий қисми бўлмиш интернационал тарбия масалалари ва бошқа актуал проблемалар муҳокама қилинмоқда.

(ЎзТАГ).

**Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида**

## Пассажир транспорти пухта ишласин

КЕЧА

Тошкент шаҳар партия комитетида бўлиб ўтган кенгашда пассажир транспорти ишини янада яхшилаш масалалари кўриб чиқилди. Унда транспорт корхоналари, министрликлар ва идоралар, партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Кенгашда сўзга чиққанлар — «Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Л. А. Ахметов, трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи В. П. Загуменнов, «Главташпассавтотранс» бошлиғи М. М. Алиев, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министри А. А. Азимбеков, 12-автопарк ҳайдовчиси И. Ф. Артёмов ва бошқалар тошкентликларга хизмат кўрсатишдаги нуқсонларни бартараф этишга ҳалақит бераётган нарсалар ҳақида, маршрутларда тартиб ўрнатиш учун нималар қилинаётгани ҳақида гапирдилар.

Кенгашда шаҳар пассажир транспортининг иши тубдан қайта қуришга муҳтожлиги таъкидлаб ўтилди. Ҳаракат графиклари бузилмоқда, линиядан техник нуқсонлар сабабли чиқиб кетаётган трамвайлар, троллейбуслар ва автобуслар миқдори юқори, хизмат кўрсатиш маданияти паст. Корхоналарда ишлаб чиқариш интизоми бўш, ҳамон тез-тез прогуллар содир бўлмоқда.

Бироқ, транспорт ташкилотларининг раҳбарлари ўз ишларини ўта секинлик билан қайта қуришмоқда, Тошкент шаҳар XXV партия конференциясида, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида билдирилган танқидий мулоҳазалардан тўғри хулосалар чиқариб олишмади. Тошкентликлар шаҳар партия ва совет органларига йўллаётган мактубларида пассажир транспорти ишидан норозиликларини ҳаққоний баён этмоқдалар.

Ҳозир ҳар бир трамвай паркида, троллейбус депосида, автопаркда транспорт воситаларини ремонт қилиш ва техник хизмат кўрсатиш учун шароит яратилмоғи, топширилган иш учун барча ходимларнинг масъулияти оширилмоғи, ишлаб чиқариш интизомининг бузилишларига қатъиян чек қўйилмоғи зарур.

Пассажир транспорти олдида мураккаб проблемалар турибди. Бироқ уларнинг ҳаммасини шаҳардаги барча корхоналар ва ташкилотларнинг актив ёрдами билан ҳал этиш мумкин ва лозим.

Транспорт ташкилотларига ҳаракатдаги составни ремонт қилиш, диспетчерлик пунктлари қуриш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашда оталиқ ёрдами кўрсатилмоғи даркор. Чунки бу пировард натижада меҳнат коллективларига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилайди, демак тошкентликларнинг меҳнат унумдорлигини оширишда акс этади.

Кенгашда шаҳар ободонлаштирувчилари шаънига қаттиқ танқид билдирилди. Йўлларнинг ёмон аҳволдалиги натижасида транспорт воситалари муддатидан илгари ишдан чиқмоқда, маршрутларда ҳаракат мунтазамлиги бузилмоқда. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ободонлаштириш Бош бошқармасига жамоат транспорти ҳаракати узлуксиз бўлган жойларда йўл устини ремонт қилиш юзасидан зудлик билан чоралар кўриш таклиф қилинди.

Кенгашда республика Автомобиль транспорти министрлиги раҳбарларининг эътибори ҳаракатдаги составнинг, автотранспорт корхоналари моддий-техника базасининг янгиланиши, янги автохўжаликлар қурилиши зарурлигига қаратилди. Республика Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети шаънига автохўжаликларни ёқилғи-мойлаш материаллари билан бир маромда таъминлашни йўлга қўйиш юзасидан мулоҳазалар билдирилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети хизматларига, барча турдаги пассажир транспорти ишини координациялаш ва ривожлантириш бошқармасига транспортдаги аҳволни диққат билан ўрганиш, нуқсонларни бартараф этиш учун барча зарур чораларни кўриш таклиф қилинди.

Кенгашда пассажир транспорти ишини яхшилаш бўйича конкрет тавсиялар берилди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин сўзга чиқди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети транспорт ва алоқа бўлимининг мудири П. М. Абдураҳмонов қатнашди.

## Келинг, кўринг, олқишланг...

БУГУН

**«Юбилей» Марказий спорт залида «Бинокор» (Тошкент) ва ва «Металлург» (Череповец) командалари учрашади.**

Ҳозирги пайтда тошкентлик хоккейчилар 58 матчдан сўнг 48 очко жамғариб, шарқий зона командалари ўртасида тўртинчи ўринда бормоқда. Череповец командаси ҳамшаҳарларимиздан 3 очко оз тўплаган бўлиб, турнир жадвалида 6-ўринни банд этиб турибди.

Сўнгги тур ўйинларини меҳмонлар Қарағандада маҳаллий «Автомобилист» клуби билан ўтказдилар. Биринчи матчда улар 1:4 ҳисобида мезбонларга ютқазишларига қарамай, такрорий учрашувда 8:6 ҳисобида ғалаба қозондилар. Бинокорчилар эса Оленогорскнинг «Звезда» хоккейчилари билан бўлган учрашувда яхши ўйин кўрсата олмадилар ва тўрт имкониятдан фақат бир очко қўлга киритдилар.

Бинокорчиларнинг бу сафарги ўйини қандай бўлади. Буни эса бугун бўладиган матчга келиб, ҳамшаҳарларимизни қўллаб-қувватлаганингизда билишингиз мумкин. Учрашув 18.30 да бошланади.

**Замондошимиз**



Депутат — халқ хизматкори. Илгарилари ҳам Гулнора бу сўзларни кўп эшитарди-ю, моҳиятига унчалик аҳамият бермасди. Қачонки, унинг ўзи депутатликка сайлангач, халқ хизматкори деган сўзнинг маъносини тўла англаб етди. Мана бир неча йиллардан бери Ҳамза район Советининг депутати сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Одамлар сени олдинга ишонч билан келдими, демак бу ишончни чуқур ҳис этиб, уларга қўлингдан келган ёрдаминг ва маслаҳатингни беришинг керак. Токи, хизматингга муҳтож бўлиб келганлар сендан миннатдор бўлиб қайтишсин. Акс ҳолда эл назаридан қолишинг ҳеч гап эмас, — дейди Гулнора Муҳамеджонова.

Депутатнинг сўзи билан иши бир. Чунки халқ депутатлари Ҳамза район Совети ижроия комитетида Гулноранинг ишбилармон депутат сифатида танилиши фикримизнинг далилидир.

Гулноранинг касби қурувчи. У бир неча йиллардан бери 2-уйсозлик комбинатига қарашли 2-пардозлаш бошқармаси комплекс бригадасига бошчилик қилиб келади. Унинг бригадаси куни-кеча Ипподром ва Гайдар кўчалари оралиғида бунёд этилаётган турар-жой биноларидан бирини тўла пардоздан чиқариб, янги объектда иш бошлади.

Коммунист Гулнора Муҳамеджонова комбинат партия комитетининг аъзоси. У Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини олишга сазовор бўлган қурувчи.

СУРАТДА: КПСС аъзоси Гулнора Муҳамеджонова.

Т. Каримов фотоси.

### ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область Советі тўғрисида»ги Қонунининг 37-моддасига биноан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети **қарор қилади:**

1. Ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар Советининг олтинчи сессияси 1986 йил 17 апрель куни соат 17.00 да чақирилсин.

2. Совет муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди қарорларини ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш бўйича халқ депутатлари Советларининг, Тошкент меҳнаткашларининг вазифалари тўғрисида;

Шаҳар Совети депутатларининг депутатлик ваколатларини, Совет ва унинг органлари топшириқларини бажариш ҳақидаги ҳисоботлари.

**Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. МИРСАИДОВ.**

**Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари В. МАНАСТИРЕТСКАЯ.**

## Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори

### ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА ҚЎШИМЧА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар тўғрисида»ги Қонунининг 54-моддасига мувофиқ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**Ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советига 1986 йил 27 апрелга белгиланган қўшимча сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг қуйидаги вакиллари составида тасдиқлансин:**

**КУЙБИШЕВ РАЙОНИ**
**141-сайлов округи**

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Обухов** Борис Петрович, слесарь — 6-таксопарк бошланғич партия ташкилотидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — **Нагов** Леонид Иванович, ҳайдовчи — 6-таксопарк бошланғич партия ташкилотидан.

Округ сайлов комиссиясининг секретари — **Кузнецова** Евгения Матвеевна, ўқитувчи — Куйбишев районидаги 221-ўрта мактаб бошланғич партия ташкилотидан.

**Комиссия аъзолари:**

**Жўраев** Ишим, ҳайдовчи — 6-таксопарк бошланғич партия ташкилотидан.

**Кисель** Николай Адамович, ҳайдовчи — 6-таксопарк бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Лихойдов** Петр Георгиевич, ҳайдовчи — 6-таксопарк бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Евдокимова** Лидия Николаевна, ўқитувчи — Куйбишев районидаги 221-ўрта мактаб бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ**
**312-сайлов округи**

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Азимов** Исматулла Дўстмуҳамедович, бўлим бошлиғи — «Ўзбекбирлашув» республика улгуржи-савдо базаси бошланғич партия ташкилотидан.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — **Азимов** Ашрап Асқарович, катта товаршунос — «Ўзбекбирлашув» республика улгуржи-савдо базаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

Округ сайлов комиссиясининг секретари — **Шатришанова** Валентина Прокофьевна, кадрлар бўйича катта инспектор — «Ўзбекбирлашув» республика улгуржи-савдо базаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Комиссия аъзолари:**

**Леонова** Евгения Прокофьевна, ишчи — «Ўзбекбирлашув» республика улгуржи-савдо базаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Саидов** Муҳаммадамин Воҳидович, катта иқтисодчи — «Ўзбекбирлашув» республика улгуржи-савдо базаси бошланғич касаба союз ташкилотидан.

**Таштабанова** Таскира Резвановна, ишчи — «Ўзбекбирлашув» республика улгуржи-савдо базаси бошланғич партия ташкилотидан.

**Холматов** Шуҳрат Шамшиматович, катта омборчи — «Ўзбекбирлашув» республика улгуржи-савдо базаси бошланғич комсомол ташкилотидан.

(Давоми бор).

Материалларимиз изидан

## СОХТА ЖАВОБ КИМГА КЕРАК?

Газетанинг шу йил 18 февраль сонида «Амалий иш услуби учун» рубрикаси остида ёзувчи Ф. Камоловнинг «Ҳақ гапни айтганда» сарлавҳали мақоласи босилган эди. Унда Киров районидаги 30-ЖЭУда кейинги пайтда одат тусига кириб қолган камчиликлар ҳақида сўз юритилган эди. Шаҳар уй-жой бошқармаси, район ижроия комитетининг эътибори ЖЭУ бошлиғи вазифасини бажарувчи С. А. Иваненконинг одамларга нисбатан бюрократларча, эътиборсизлик билан муносабатда бўлишига, уларнинг қонуний талабларидан ўзини ҳар қандай йўл билан четга олишга интилишига қаратилган эди. Бу шунга олиб келардики, аҳоли турар жой участкаси остонасига келаверишдан чарчаб, ҳатто энг оддий масалаларни ҳал этиш учун юқори идораларга мурожаат этишга мажбур бўларди. Ўшанда бу уй-жой ташкилоти коллективидаги кўпгина ихтилофлар, С Иваненко томонидан ичкиликбозликка бепарво қаралиши, унинг коммунист номига нолойиқ ахлоқи, партиявий принципиал позицияга бўлган интилишни бўғиши каби фактлар, айтиш мумкинки, газета материалига кирмай қолганди. Редакция мақолани босиб чиқарар экан, буларнинг ҳаммаси текшириш пайтида аниқланади, кўрилган чоралар эса ЖЭУ ишини яхшилашга зудлик билан таъсир кўрсатади деб умид қилган эди. Бироқ, кутишимиз зое кетди. Мақола босилгандан кейин ҳам турар жой участкасида кўп нарса ўзгармади.

Меҳнаткашларнинг хатларини кўриб чиқиш муддати тугагандан кейин ҳам шаҳар уй-жой бошқармасидан ҳам, район Совети ижроия комитетидан ҳам жавоб бўлмади. Аксинча биринчи мақола босилгандан кейин ўтган муддат ичида редакция газетхонлардан юздан зиёд хат олди. Уларда шаҳар уй-жой ташкилотлари ишидаги у ёки бу нуқсонлар ҳақида сўз юритилади. Чунончи, Киров районига алоқадор хатларнинг бир қисми 14 март куни «Акс садо» рубрикаси остида босилган эди. «Ишчанлик, ошкоралик, пастдан контрол бўлмаган, топширилган иш учун талабчанлик сусайган жойларда» кўпроқ намоён бўлиб, социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш йўлида жиддий тўсиқ бўлувчи бюрократизмга қарши қатъий ва аёвсиз кураш эълон қилиниши зарурлиги ҳақида КПСС XXVII съездида жаранглаган чақириқни бугун яна бир бор эслатиб ўтмаслик мумкин эмас. Киров район Совети ижроия комитетидан 25 мартда редакцияга ёзилган жавобни ўқиб қандай назорат, ишчанлик ва масъулият ҳақида гапириш мумкин:

**«Тошкент оқшоми» газетасида шу йил 18 февралда босилган «Ҳақ гапни айтганда» мақоласи ижроия комитетда райондаги ЖЭУлар, ЖККлар ва турар жойлардан фойдаланиш трестининг барча бошлиқлари иштирокида кенгайтирилган мажлисда муҳокама этилди. Уларнинг эътибори гражданларнинг хатлари ва мурожаатларига нисбатан сансалорлик ва бюрократларча муносабатда бўлинишига йўл қўйилмаслигига қаратилди».**

Биз бу ерда жавобнинг баёнини атайин узиб қўйдик. Чунки газетхонларни сансалорлик, меҳнаткашларнинг илтимосларига эътиборсиз муносабатда бўлиш фактларини бартараф этиш учун конкрет нималар қилинаётгани қизиқтиради. Танқид тўғри деб топилдими ва ундан қандай хулосалар чиқарилди? Бу ҳақда негадир лом-мим дейилмаган. Шундай бўлгач, аҳолидан келаётган шикоятлар оқими камаймаслигига ажабланмаса ҳам бўлади.

**Район ижроия комитети жавобининг давоми: «30-ЖЭУ бошлиғи ўртоқ С. А. Иваненконинг фаолияти социалистик қонунчилик бўйича ва уй-жой коммунал хўжалиги бўйича доимий комиссияларнинг раислари Б. Қосимов ва А. Ғуломмаҳмудов иштирокидаги комиссия томонидан текширилди».**

Кейин нима бўлди? Текширишнинг натижалари қандай? Энг муҳим нарса айтилмаган ва ишончсиз формулировка қилинган жавобдан фақат бир нарса кўринади — район ижроия комитетида сукут сақлашга аҳд қилишда, ўз вақтида мустақил қарор қабул қилишни зарур деб ҳисоблашмади. Бу ерда камчиликларни бартараф этиш, коллективдаги муҳитни яхшилаш учун ЖЭУга зудлик билан ёрдам кўрсатиш ҳақида ҳам қайғурмади.

**30-ЖЭУ партия бюросининг редакцияга хатидан: «Ҳақ гапни айтганда» сарлавҳали мақола партия йиғилишида муҳокама этилди ва ўз вақтида ёзилган деб тан олинди. Қўшимча хабар қиламизки, С. А. Иваненко хизмат лавозимини бир неча марта суиистеъмол қилгани, тамагирлиги ва бошқа ҳуқуқбузарлиги учун партия сафидан ўчирилди».**

Бу ҳақда район ижроия комитетида хабардор эдилар, бироқ бу ерда яна эски, ҳаммага маълум бюрократларча сохта жавоб бериш усули ишга тушди. Редакциянинг қайта-қайта эслатишларига қарамай, шаҳар уй-жой бошқармасида ҳам ҳанузгача жавобдан қочишни афзал кўришяпти. Ваҳоланки, бу ерда ҳам ўзларига бўйсунувчи ташкилотда тегишли тартиб ўрнатиш учун ўз вақтида чора кўришлари керак эди.

**▲ ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАН ПАЙТДА бизга хабар қилишдики, Киров район партия комитети бюроси 30-ЖЭУ бошлиғи вазифасини бажарувчи С. А. Иваненконинг аҳлоқини муҳокама этиб, уни КПСС аъзолиги сафидан ўчириш ҳақидаги ЖЭУ бошланғич партия ташкилотининг қарорини тасдиқлади ва эгаллаб турган лавозимидан бўшатди. Унинг суиистеъмол қилиш ҳоллари ҳақидаги материалларни прокуратурага оширишга қарор қилинди.**

**С. И. Иваненконинг номақбул ишларига ҳомийлик қилгани учун уй-жойлардан фойдаланиш тресті бошлиғи вазифасини бажарувчи коммунист Э. С. Даниловга учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди ва у вазифасидан озод қилинди. С. А. Иваненкони ҳимоя қилиб нотўғри позицияни эгаллаганлиги учун ижроия комитет раисининг ўринбосари В. Н. Дороховга қаттиқ танбеҳ берилди.**

